
Мустақиллик оқшомлари тадбири бўлиб ўтди

Республика маънавият ва маърифат маркази Риштон туман бўлинмаси, туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси ДХХ чегара қўшинлари, туман маданият ҳодимлари ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 1- июнь "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш" куни муносабати билан туман истироҳат боғида Мустақиллик оқшоми тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ДХХ чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбили хонандаси Акбар Атамуҳаммедов ҳамда "Сарҳат" гуруҳи иштирок этдилар. - Риштон туманига биринчи мартаба келган бўлсам-да, Риштон аҳли меҳмондўст, меҳрибон, очиққўнгил экан. Бизни иллик кутиб олишди, қаерга бормайлик ёшу-қари бизга самол бериши мени ҳайрон қолдирди. Бундай муносабатни олдин курмаган эдим. Сизларга катта раҳмат, деди Акбар Атамуҳаммедов. Тадбир давомида Акбар Атамуҳаммедов ўзининг дилтортар қўшиқларини айтиб, даврани уйин-кулгу билан қиздирди. Тадбир сўнгида ДХХ чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбили Риштон туман ҳокимлиги томонидан ташаккурнома билан тақдирланди.

2021-06-02 14:20:15